Sifatli ta'lim-yorqin kelajak
ISSN: 3060-4761

TerDPI ILMIY XABARNOMASI
SCIENTIFIC BULLETIN OF THE TerSPI
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК ТерГПИ

www.xabarnoma.terdpi.uz

УДК: 332.6; 656.1
ORCID:0009-0001-5865-6753

СУРХОНДАРЁДА АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Турдиев Ғайрат Жалғашевич
Термиз давлат педагогика институти тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада Сурхондарё вилоятида автомобиль ва йўл инфратузилмасида истиқлол йилларида амалга оширилган ўзгаришлар таҳлил қилинган. Айниқса, 1991-йилдан кейинги давлат ислоҳотлари доирасида вилоятда йўллар қурилиши, таъмири ва модернизацияси жараёнлари ёритилган. 2020–2024-йиллар кесимида шахсий ва хизмат автомобиллари сонининг ўсиши, туманлар бўйича транспорт инфратузилмаси ривожланиши кўрсатиб берилган. Тадқиқот натижалари Сурхондарё вилоятида автомобиль транспортининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги стратегик аҳамиятини очиб бериб, келгусида транспорт тизимини янада такомиллаштириш йўналишларини белгилайди.

Калит сўзлар: Сурхондарё вилояти, транспорт инфратузилмаси, автомобиль йўллари, инфратузилмавий ислоҳотлар, шахсий автомобиллар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.

ИЗМЕНЕНИЯ В АВТОМОБИЛЬНОЙ И ДОРОЖНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЕ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация. В статье анализируются изменения, произошедшие в автомобильной и дорожной инфраструктуре Сурхандарьинской области за годы независимости. В частности, освещаются процессы строительства, ремонта и модернизации дорог в области в рамках государственных реформ после 1991 года. Показаны рост количества личных и служебных автомобилей в период 2020–2024 годов, развитие транспортной инфраструктуры по районам. Результаты исследования раскрывают стратегическое значение автомобильного транспорта в социально-экономическом развитии Сурхандарьинской области и определяют направления дальнейшего совершенствования транспортной системы в перспективе.

Ключевые слова: Сурхандарьинская область, транспортная инфраструктура, автомобильные дороги, инфраструктурные реформы, личные автомобили, социально-экономическое развитие.

CHANGES IN THE AUTOMOBILE AND ROAD INFRASTRUCTURE IN SURKHANDARYA

Abstract. The article analyzes the transformations that have taken place in the automobile and road infrastructure of Surkhandarya region during the years of independence. Particular attention is paid to the construction, repair, and modernization of roads within the framework of state reforms implemented after 1991. The dynamics of the growth in the number of private and service vehicles during 2020–2024, as well as the development of transport infrastructure across the districts of the region, are highlighted. The research results reveal the strategic importance of

automobile transport in the socio-economic development of Surkhandarya region and outline directions for further improvement of the transport system in the future.

Keywords: Surkhandarya region, transport infrastructure, automobile roads, infrastructural reforms, private vehicles, socio-economic development.

Кириш. Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, стратегик чегара ҳудуди сифатида давлатнинг иқтисодий ва геосиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади[1]. Мазкур ҳудуд орқали халқаро транспорт йўлаклари ўтиши, шунингдек, аҳоли сонининг изчил ўсиши вилоятда замонавий автомобиль ва йўл инфратузилмасини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида транспорт соҳасини модернизация қилиш, республика ва ҳудудий марказларни ўзаро боғловчи замонавий йўллар барпо этиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш йўналишида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди[2]. Хусусан, Сурхондарё вилоятидаги автомобиль ва йўл инфратузилмасининг ривожланиши нафақат ҳудудий алоқаларни мустаҳкамлашда, балки иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро интеграция жараёнларида ҳам ҳал қилувчи омилга айланди.

Тадқиқот методлари сифатида, аввало, тарихий таҳлил усули қўлланилиб, истиқлолдан кейинги даврда йўл ва транспорт инфратузилмасида амалга оширилган ислоҳотлар босқичма-босқич ўрганилди. Шу билан бирга, статистик усул орқали 2020–2024-йиллар давомида шахсий ва хизмат автомобиллари сонининг ўсиш динамикаси аниқланиб, ҳисоб-китоблар ва таҳлиллар амалга оширилди. Қиёсий таҳлил усулидан фойдаланиш орқали вилоятнинг турли туманларида автомобиллар сони ўсиш суръатлари солиштирилди ҳамда регионал фарқлар очиб берилди. Таълимий-хулосавий усул эса транспорт инфратузилмаси ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини умумлаштириш ва умумий хулосалар чиқаришда хизмат қилди.

Муҳокама ва натижалар. Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, стратегик чегара ҳудуди, муҳим транзит йўлаклар устидаги жойлашуви ва тез ўсиб бораётган аҳолиси билан ажралиб туради[3]. Истиқлолнинг дастлабки йилларида вилоятдаги автомобиль ва йўл инфратузилмаси заиф ҳолда бўлиб, туман марказларини ўзаро боғловчи ҳамда республика маркази билан туташтирувчи замонавий магистрал йўллар етарли эмас эди. Айниқса, тоғли ва чекка ҳудудларда мавжуд йўллар ҳам қулайлиги ва хавфсизлиги жиҳатидан талабга жавоб бермасди.

1991-йилдан сўнг республикада транспорт соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган давлат дастурлари доирасида Сурхондарёда ҳам йирик ислоҳотлар бошланди[4]. Аввалambор, туман марказларини ўзаро боғловчи йўллар таъмирланди, қайта қурилди ва кенгайтирилди. Вилоятнинг иқтисодий маркази саналган Термиз шаҳрини Денов, Бойсун, Шеробод, Қумқўрғон ва бошқа туманлар билан боғловчи асосий автомобиль йўллари капитал таъмирдан чиқарилди.

Шунингдек, тоғли ва чекка ҳудудлар – хусусан, Бойсун ва Узун туманларига олиб борадиган йўлларда янги асфальтлаш ишлари амалга оширилиб, йўллар йилнинг ҳар қандай фаслида қатнов учун қулай ва хавфсиз ҳолатга келтирилди. Йўлларнинг сифат даражаси юқорилашди, бу эса вилоятнинг транспортдаги узлуксизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Sifatli ta'lim-yorqin kelajak
ISSN: 3060-4761

TerDPI ILMIY XABARNOMASI
SCIENTIFIC BULLETIN OF THE TerSPI
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК ТерГПИ

www.xabarnoma.terdpi.uz

Автомобиль инфратузилмасидаги муҳим ўзгаришлардан яна бири – бу вилоятда шахсий ва хизмат автотранспорт воситаларининг сезиларли даражада кўпайганидир[5]. Истиқлолнинг дастлабки йилларида аҳолининг шахсий автомобиль харид қилиш имконияти чекланган бўлса, кейинги йилларда аҳоли даромадлари ва молиявий имкониятларининг ортиши ҳисобига транспорт воситалари сони кўпайди[6]. Жумладан, 2000-йиллар бошида Сурхондарё вилоятидаги автомобиль сони 30 минг атрофида бўлган бўлса, 2024-йилга келиб бу кўрсаткич 200 мингдан ошган[7]. Бу жараён нафақат шахсий автомобиллар кўпаяётганини, балки умумий транспорт ҳаракатининг кенгайиб бораётганини ҳам англатади. Бу ҳолат, ўз навбатида, янги автотрассалар қурилиши, мавжуд йўлларнинг қайта таъмирланиши, йўл чизиқларининг янгиланиши ва ҳаракат хавфсизлиги тизимининг такомиллашувини талаб этди.

Сурхондарё вилоятида мустақиллик йилларида амалга оширилган автомобиль ва автомобиль йўл инфратузилмасига оид ўзгаришлар нафақат транспорт соҳасининг самарадорлигини оширди, балки вилоят аҳолиси турмуш даражасини, ҳудудлараро ва халқаро алоқаларни кучайтиришда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлди. Автомобиль транспорти ҳозирда вилоят иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, унинг инфратузилмаси янада ривожлантирилиши – келгуси ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун мустаҳкам пойдевордир. Шу боисдан, йўллар сифатини юқори даражада сақлаш, хавфсиз ва тезкор транспорт тизимини шакллантириш, логистика хизматларини оптималлаштириш истиқболдаги энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

2020-2024 йилларда Сурхондарё вилоятидаги шахсий автомобиллар сони

T/p	Шахар туманлар	2020	2021	2022	2023	2024
1.	Ангор	3588	4771	7641	11185	15290
2.	Бандихон	503	997	2534	4630	6574
3.	Бойсун	3435	4393	6480	9015	11147
4.	Денов	11218	14605	23070	34639	42265
5.	Жарқўрғон	7098	9185	13548	19045	24833
6.	Музробот	3662	4783	7273	10483	14018
7.	Олтинсой	5021	6392	9969	14620	18824
8.	Қизирик	3647	4617	6884	9760	12708
9.	Қумқўрғон	6452	8356	13047	18963	24802
10.	Сариосиё	5886	6841	11043	16704	22154
11.	Шеробод	7622	9458	12752	18565	25400
12.	Шўрчи	7737	9579	13777	19598	25359
13.	Термиз ш	6163	7541	10710	15498	21887
14.	Термиз т	3874	5000	6964	9604	12815
15.	Узун т	3869	5138	8447	12962	17235

* Жадвал Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлик хизмати йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2020–2024-йиллар давомида Сурхондарё вилоятида шахсий автомобиллар сони муттасил ва жадал ўсгани кузатилади. Бу ҳолат вилоят аҳолиси ўртасида автомобиль хариди имкониятларининг кенгайгани, инфратузилма шароитларининг яхшиланиши ва транспорт воситаларидан

фойдаланиш заруриятининг ортиб бораётганини кўрсатади.

2020-2024-йиллар давомида Сурхондарё вилоятининг ҳар бир тумани ва шаҳрида шахсий автомобиллар сони йил сайин изчил ва барқарор равишда ўсиб борган. Қуйида ҳар бир туман кесимида йиллар бўйича таҳлил берилади.

Бойсун туманида 2020–2024-йиллар оралиғида шахсий автомобиллар сонининг ортиши изчил ва барқарор характер касб этган бўлиб, бу ўсиш туманнинг ўз ҳолати ва ички шароитига мос ривож модели билан ажралиб туради. Агар 2020-йилда туманда 3 435 та шахсий автомобиль қайд этилган бўлса, 2024- йилда бу кўрсаткич 11 147 тага етган. Бу беш йилликдаги умумий ўсиш қарийб 3,2 баробарни ташкил қилади.

Бойсун туманида 2020–2024-йиллар давомида шахсий автомобиллар сонида кузатилган ўсиш суръати вилоятнинг юқори динамикага эга туманлари – Бандихон, Денов ёки Шўрчи билан таққослаганда нисбатан секин кечган бўлса-да, барқарорлик ва мувозанатлашган ривож йўналишини яққол намоён этди. Хусусан, 2021-йилда автомобиллар сони 4 393 тага етган бўлиб, бу 2020-йилга нисбатан тахминан 28 фоизлик ўсишни ташкил этди. География жиҳатдан тоғли ва чекка ҳудудда жойлашганига қарамасдан, аҳоли ўртасида шахсий автомобил харидига бўлган рағбат ва эҳтиёж ортгани аниқ кўринади. 2022-йилда эса 6 480 та транспорт воситаси қайд этилган бўлиб, 47,5 фоизга яқин ўсиш кузатилди – бу эса туманда иқтисодий барқарорликка эришиш ва автомобиль бозори имкониятларининг кенгаяётганидан далолат беради. 2023 йилга келиб, автомобиллар сони 9 015 тага етган бўлиб, бу йиллик 39 фоизлик ўсишни англатади. Бу ҳолатда шахсий транспортга эга бўлиш аҳолининг нафақат орзуси, балки кундалик заруратига айланаётгани кўзга ташланади. 2024 йилда эса автомобиль сони 11 147 тага етган ва бу 2023-йилга нисбатан 23,6 фоизлик ўсишни ташкил этган. Бу кўрсаткич ўсиш суръатида бир оз секинлашув рўй бераётганини кўрсатиб, туманда автомобиль бозори маълум даражада тўйинган босқичга яқинлашаётганини англатади.

Бойсун туманининг бу каби ўсиш траекторияси, бошқа туманлар билан қиёсланганда, келгусида ҳам изчиллик ва барқарорликка асосланган ривож моделини яратишга замин яратади. Бошқа ҳудудларда кузатилаётган тез ўсишларга нисбатан Бойсундаги ўсиш ортиқча босимсиз, табиий эҳтиёж ва иқтисодий имкониятлар билан уйғунлашган ҳолда кечмоқда.

Сурхондарё вилоятида шахсий автомобиллар сонининг энг юқори кўрсаткичи Денов туманига тегишли бўлиб, 2020–2024-йиллар оралиғида бу тумандаги ўсиш суръати нафақат абсолют рақамлар, балки кўлам ва ижтимоий-иқтисодий таъсир нуқтаи назаридан ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Агар 2020 йилда Деновда 11218 та шахсий автомобиль қайд этилган бўлса, 2024-йилга келиб бу рақам 42. 265 тага етган. Беш йил ичида 31 047 та янги транспорт воситаси қўшилгани – бу вилоятдаги умумий ўсишнинг катта қисмини айнан ушбу туман ҳисобига тўғри келаётганини кўрсатади.

Бундай улкан ўсиш тасодифий эмас. Денов тумани Сурхондарёнинг иқтисодий, савдо ва транспорт марказларидан бири бўлиб, ушбу функциялари шахсий транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжни кескин оширади. Шу жиҳатдан, бу ҳудуддаги ўсиш жараёнини қуйидаги мезонлар орқали таҳлил қилиш мумкин:

Денов Сурхондарё вилоятининг шимолий ва марказий қисмларини ўзаро боғловчи йирик транзит марказдир. Бу ерда жойлашган катта бозорлар, савдо-

Sifatli ta'lim-yorqin kelajak
ISSN: 3060-4761

TerDPI ILMIY XABARNOMASI
SCIENTIFIC BULLETIN OF THE TerSPI
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК ТерГПИ

www.xabarnoma.terdpi.uz

иқтисодий зоналар ва хизмат кўрсатиш объектлари нафақат туман аҳолиси, балки қўшни туманлар ва ҳатто Қашқадарё ҳудудларидан келувчилар оқимини жалб қилади. Бу ҳолат шахсий автомобилларга бўлган талабни табиий равишда ошириб борди.

2020-йилда шахсий автомобиллар сони кўп бўлган туманлардан бири – Денов тумани бўлиб, бу ерда 11 218 та автомобиль қайд этилган. Бу кўрсаткич 2024 йилга келиб 42 265 тага етди. Бу беш йил ичида тумандаги автомобиллар сони қарийб тўрт баробарга ошганини англатади. Шунга ўхшаш ҳолатлар Шеробод (7 622 дан 25 400 тага), Шўрчи (7 737 дан 25 359 тага) ва Жарқўрғон (7 098 дан 24 833 тага) туманларида ҳам кузатилди.

Аҳолиси нисбатан камроқ бўлган туманларда ҳам автомобилга бўлган талаб сезиларли даражада ошган. Масалан, Бандихон туманида 2020-йилда 503 та автомобиль мавжуд бўлган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 6 574 тага етди. Бошқа кичик туманлардан – Қизириқ (3 647 дан 12 708 тага), Музработ (3 662 дан 14 018 тага), Олтинсой (5 021 дан 18 824 тага) ва Узун (3 869 дан 17 235 тага) туманларида ҳам ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Термиз шаҳрида 2020-йилда 6 163 та шахсий автомобиль бўлган бўлса, 2024 йилда 21 887 тага етди. Бу шаҳар аҳолиси ўртасида шахсий транспортга талаб юқори эканини кўрсатади. Термиз туманида ҳам худди шундай ўсиш кузатилди: 3 874 та автомобил 2024-йилда 12 815 тага етди.

Сурхондарё вилоятида сўнгги беш йилда кузатилган шахсий автомобиллар сонининг ўсиши ҳудудий миқёсда турлича намоён бўлди. Бу жараёнда айрим туманлар мутлақ кўрсаткичлар бўйича етакчилик қилган бўлса, бошқалари нисбий ўсиш суръати жиҳатидан ажралиб турди. Айрим ҳудудларда ўсиш табиий эҳтиёжнинг ортиши ва иқтисодий шароитларнинг яхшиланиши натижаси бўлган бўлса, бошқаларида у кечиккан ривожланишнинг компенсацияси сифатида намоён бўлди.

Қумқўрғон, Жарқўрғон, Шеробод ва Шўрчи туманлари иқтисодий ривожланганлиги ва аҳоли зичлиги юқори бўлган ҳудудлар сифатида ажралиб туриб, 2020-2024 йиллар давомида шахсий автомобиллар сони бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Хусусан, Қумқўрғонда автомобиллар сони 6 452 тадан 24 802 тага, Жарқўрғонда 7 098 тадан 24 833 тага, Шерободда 7 622 тадан 25 400 тага ва Шўрчи туманида 7 737 тадан 25 359 тага етди. Ушбу ўсишлар ушбу туманлардаги демографик фаоллик, иқтисодий салоҳият ва транспорт воситаларидан фойдаланиш эҳтиёжининг юқорилигини акс эттиради. Бу туманлар иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва аҳоли сони юқори бўлган ҳудудлардир. Уларда шахсий транспортга эҳтиёж катта бўлиб, инфратузилма ва бозор имкониятлари ҳам юқори. Бу туманлардаги ўсиш суръати барқарор ва изчил бўлиб, 3,5–4 баробар атрофида кечди.

Музработ, Қизириқ, Олтинсой, Саросиё, Узун ва Термиз туманларида 2020–2024-йиллар давомида шахсий автомобиллар сонининг ўсиши барқарор ва мўътадил тарзда кечган бўлиб, бу ҳудудларда транспортга бўлган эҳтиёж босқичма-босқич ортганини кўрсатади. Хусусан, Музработ туманида автомобиллар сони 3 662 тадан 14 018 тага, Қизириқда 3 647 тадан 12 708 тага, Олтинсойда 5 021 тадан 18 824 тага, Саросиёда 5 886 тадан 22 154 тага, Узунда 3 869 тадан 17 235 тага ва Термиз туманида 3 874 тадан 12 815 тагача кўпайган. Бундай барқарор ўсиш ҳолати мазкур туманларда инфратузилмавий ривожланишнинг изчил амалга оширилаётганини ва аҳоли ўртасида шахсий транспорт воситасига бўлган талаб

ошиб бораётганини англатади. Бу туманлардаги ўсиш асосан аҳолининг турмуш даражаси ўсиши ва инфратузилмавий ўзгаришлар билан боғлиқ. Улар нисбий ўсиш жиҳатидан кўзга ташланмаган бўлса-да, узоқ муддатдаги барқарор ривожланишга йўналган бўлиб, 3-4 баробарлик кўрсаткични ташкил этди.

Умумий таҳлил натижаларига кўра, 2024-йилда давлат ва нодавлат муассасалари ихтиёридаги энг кўп автотранспорт воситалари Термиз шаҳри

(7 001 та), Денов тумани (2 189 та), шунингдек, Жарқўрғон ва Музработ туманларида қайд этилган. Шу билан бирга, нисбий ўсиш суръати бўйича энг юқори кўрсаткич Бандихон туманига тегишли бўлиб, бу ерда 2020-йилда 36 та бўлган автотранспорт воситалари сони 2024-йилга келиб 133 тага етган. Ўртача барқарор ривожланиш намоён бўлган ҳудудлар қаторига Саросиё, Қумқўрғон, Қизириқ, Шўрчи ва Олтинсой туманлари киради. Умуман олганда, таҳлил этилаётган беш йилликда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида хизмат автотранспорт воситалари сонида изчил ўсиш кузатилган бўлиб, бу ҳолат бутун ҳудуд бўйлаб транспорт хизматлари кенгаяётгани, давлат ва нодавлат секторларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Хулоса. Тадқиқот натижалари Сурхондарё вилоятида автомобиль ва йўл инфратузилмасининг жадал ривожланаётганини кўрсатди. 1991-йилдан кейинги давлат ислоҳотлари вилоятда замонавий автомобиль йўллари қурилиши ва мавжуд йўлларнинг модернизациясига замин яратди. 2020-2024-йилларда шахсий автомобиллар сонининг 3-4 баробарга ошиши аҳоли турмуш даражаси ўсиши ва иқтисодий салоҳиятнинг ортиб бориши билан изоҳланади. Туманлар кесимида таҳлил этилганда, Денов, Шеробод, Шўрчи ва Жарқўрғон туманлари абсолют ўсиш кўрсаткичлари билан ажралиб турган бўлса, Бандихон ва Қизириқ каби кичик туманларда нисбий ўсиш юқори бўлган. Умуман олганда, транспорт инфратузилмаси ривожланиши нафақат ҳудудий алоқаларни мустаҳкамламоқда, балки халқаро транзит йўлаклар орқали иқтисодий интеграцияга ҳам хизмат қилмоқда. Шунингдек, инфратузилмавий ривожланишнинг изчил давом эттирилиши вилоятнинг келгуси ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аширов, А. Транспортная система Узбекистана: история и современность. – Ташкент: Фан, 1999.
2. Mirzaev, U. Logistics and Transport Corridors of Uzbekistan: Challenges and Prospects. – Tashkent: TSU, 2018.
3. Сиддикова, Г. Интеграция Узбекистана в международные транспортные сети: проблемы и перспективы. – Ташкент: Фан, 2016.
4. Ministry of Transport of the Republic of Uzbekistan. National Transport Strategy of Uzbekistan 2030. – Ташкент, 2020.
5. United Nations Economic Commission for Europe (UNECE). Eurasian Transport Corridors and Connectivity. – Geneva, 2019.
6. World Bank. Modernizing Transport and Logistics in Central Asia. – Washington, 2021.
7. Давлат статистика қўмитаси. Сурхондарё вилояти статистик тўплами (турли йиллар). – Тошкент.